

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Нурқұлов Жалолиддин Алишер үғли

Гулистан давлат университети, Ахборот технологиялари факультети, Амалий
математика ва информатика йұналиши, 3-босқыч талабаси

Аннотация.

Келтирилган ушбу мақолада замонавий ахборот коммуникация технологиялари асосида бошқарув тизимларини ташкил этиш ҳақида түшунча ва тавсиялар берилген. Мақолада шахсий компьютерлар базасида автомаштирилган иш жойларининг ташкил қилиниши, корхоналарда махаллий ҳисоблаш тармоқларини яратиш, ахборот базасини ташкил қилиш ва иқтисодий вазифалар мажмусини шакллантиришда янги таклифлар илгари сурилған.

Калит сүзлар: электроника, асбобсозлик, компьютер техникаси, замонавий алоқа, воситалари интернет, компьютер, маълумотни узатиш, конструктив, техника, инновацион технология.

Аннотация

В данной статье представлены выводы и рекомендации по организации систем управления на основе современных информационных и коммуникационных технологий. В статье выдвигаются новые предложения по созданию автоматизированных рабочих мест на базе персональных компьютеров, созданию локальных сетей на предприятиях, созданию базы данных и формированию комплекса экономических задач.

Ключевые слова: электроника, приборостроение, вычислительная техника, современные средства связи Интернет, компьютер, передача данных, технология, инновационная технология.

Annotation

This article provides insights and recommendations on the organization of management systems based on modern information and communication technologies. The article puts forward new proposals for the creation of automated workplaces on the basis of personal computers, the creation of local area networks in enterprises, the creation of a database and the formation of a set of economic tasks.

Keywords: electronics, instrumentation, computer technology, modern means of

communication Internet, computer, data transmission, technology, innovative technology.

Бугунги кунда корхона ва ташкилотларни техник жихатдан қайта қуроллантириш, кам чиқитли ва чиқитсиз технологиялардан, илгор конструкцияли материаллардан фойдаланиш дастурларини амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, махсулот сифатини яхшилаш, ахолининг харид талабини қондириш, илм - фан ишлаб чиқариш тармоқларни, айниқса, электроника, асбобсозлик, компьютер техникаси, замонавий алоқа воситалари ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва уларни амалиётда қўллаш масалалари долзарб вазифалардан биридир.

Буларнинг хаммаси ахборотлаштиришнинг улкан имкониятларидан энг самарали фойдаланишни, унинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги жараёнларига таъсирини кучайтиришнинг энг долзарб вазифасига айлантирмоқда. Ахборотлаштириш замонавий дунё тараққиётининг энг муҳим йўналишларидан бири хисобланиб, жаҳон фан техникасининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ютуқларини ўзида мужассамлаштиргандир.

Ахборот, компьютерлаштириш, замонавий ахборот технологияси, моделлаш, маълумотлар манбаи, дастурлаштириш, шахсий компьютерлар, дастур билан таъминлаш ва бошқа шу каби тушунчалар жамиятни ахборотлаштиришнинг энг муҳим хусусиятларини ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисидаги фармони ва 2002 йил 6 июндаги Вазирлар Махкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 200 сонли қарорини бажариш борасида республикамиздаги хар бир олий ўкув юрти ахборот коммуникация технологиялари тизимини яратиш ва ривожлантириш бўйича ўз дастурларини ишлаб чиқсан ва уни тадбиқ қилишга имкон яратмоқда.

Ахборот - ижтимоий, иқтисодий табиий фанларнинг, тафаккур илмининг тараққиёти натижасида юзага келган билим ва маълумотлар, кишиларнинг амалий фаолияти давомида тўплаган тажрибалари мажмуи демакдир. Инсон ахборот оқими ичра яшар экан, турли-туман воқеа, ходисалар ва жараёнларнинг бир - бирига алоқадорлигини, ўзаро муносабати моҳиятини тахлил этиш, мушоҳада ва мулоҳаза қилиб кўриш, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунлари қандай амал қилаётганлигини англаб этиш мақсадида кўпдан кўп сўзларга, далил ва рақамларга мурожаат қиласи. Ахборот туфайли назариёт амалиёт билан бирлашади.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти ахборотлар оқимини бамисоли баҳор селлари оқими каби кўпайтириб юборди. Ахборот оқимининг тобора қўпая борганидан шу нарса

хам далолат бера оладики, асримизнинг 70 - йиллар ўрталарига келибоқ ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти шундай даражага етган эдики, улардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун йилига 10^{16} арифметик амални бажариш керак бўлади. Табиийки, бундай мураккаб хисоб - китобни чўт қоқиб амалга ошириб бўлмайди. 10 миллиард киши бир йил давомида тинмай ишлаган тақдирдагина шунча арифметик амални еча олиши мумкин.

Одамларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муаммоларни хал этишга сафарбар қилмоқ учун тегишли ахборотларни ўз вақтида тўплаб, қайта ишлаб, муайян бир тартибга солиш ва зудлик билан кишиларга етказиш керак бўлади. Бунинг учун жамиятни ахборотлаштириш дастурини амалга ошириш ва илғор ахборот технологиясини жорий этиш зарур.

Ахборотлар технологияси иқтисодий масалаларни хал қилишда қуйидаги асосий жараёнларни ўз ичига олади:

- Ахборотни йифишиш ва рўйхатдан ўтказиш;
- Ахборотни узатиш;
- Маълумотларни кодлаштириш;
- Маълумотларни саклаш ва излаш;
- Иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш;
- Ахборотни чоп этишиш ва ахборотдан фойдаланиш;
- Қарор қабул қилиш ва бошқарув таъсирини ишлаб чиқиши;

Маълумки, иқтисодий ахборот хамма жараёнларнинг юзага келишида иштирок этади, лекин қатор холатларда баъзи жараёнлар иштирок этмайди. Уларнинг амалга оширилиши хар хил бўлади. Шу ўринда баъзи жараёнлар қайтарилиши мумкин.

Автоматлаштирилган бошқарув тизимлари бир нечта боскичдан иборат булиб, корхона, вазрлик ва мамлакат микёсида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ахборотларни йифишиш, саклаш, қайта ишлаш ва натижасига асосланиб карор кабул килиш.

Техника соҳасидаги учта ютуқ ҳозирги замон ахборот технологиясининг асосини ташкил қиласиди.

1. Ахборотларни йифувчи янги воситаларнинг яратилиши;
2. Алоқа воситаларининг ривожлантирилиши;
3. Компьютер орқали ахборотларни автоматлаштирган ҳолда қайта ишлашнинг ўйлга қўйилиши.

Умуман олганда, замонавий ахборот технологияси ахборот жараёнларини автоматлаштиришга асос солади. Баъзи ахборот технологиялари ўз тарихига эга, бошқалари эса нисбатан яқиндагина пайдо бўлди.

Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида карорни инсон кабул киласиди. Автоматик иш жойлари деганда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ахборотларни йифишиш,

саклаш, кайта ишлаш ва натижасига асосланиб карор қабул қилиш тушинилади. Автоматик иш жойларида барча вазифаларни инсон иштирокисиз, яъни ахборот технологиялари воситаларининг ўзи бошкаради.

Иқтисодиётни бошқаришдаги ўзгаришлар, бозор муносабатларига ўтиш бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва олиб бришга катта таъсир кўрсатади. Ҳисобнинг халқаро тизимларига ўтиши амалга оширилмоқда, бу унинг услубиётининг янги шаклларини ишлаб чиқишининг талаб қилади. Бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизими ва уни компьютерда ишлаб чиқиши ташқил қилишининг анъанавий шакллари катта катта ўзгаришларга учраган. Ҳисобчидан корхона молиявий ҳолатининг объектив баҳоларини билиш, молиявий таҳлил усулларини эгаллаш, қимматли қоғозлар билан ишлашни билиш, бозор шароитларида пул маблағлари инвестицияларини асослаш ва бошқалар талаб қилинади.

Бухгалтерия ҳисобининг ахборотли тизимлари анъанавий равишда вазифаларнинг қўйидаги мажмуаларини ўз ичига олади: асосий воситалар ҳисоби, моддий бойликлар ҳисоби, меҳнат ва иш хаки (маош) ҳисоби, тайёр маҳсулотлар ҳисоби, молиявий ҳисоблаш операцияларининг ҳисоби, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, йиғма ҳисоб ва ҳисботлар тузиш.

Шахсий компьютерлар базасида автомаштирилган иш жойларининг ташкил қилиниши, корхоналарда махаллий ҳисоблаш тармоқларини яратиш, ахборот базасини ташкил қилиш ва иқтисодий вазифалар мажмуасини шакллантиришда янги талабларни илгари сурди. Маълумотларнинг тақсимланган базалари тизимини яратиш, турли фойдаланувчилар ўртасида ахборотларни алмаштириш, компьютерда бошлангич хужжатларни автоматик шакллантиришнинг имкониятлари пайдо бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағищланган тантанали маросимидағи маърузаси. 7 декабр 2016 й.
3. Ишмуҳамадов Р. Абдуқодиров А. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Тошкент 2008 - 181 бет.
4. Абдураимов Д. Э. Описание алгоритмов важность программы Crocodile ICT //Вестник научных конференций. – ООО Консалтинговая компания Юком, 2019. – №. 4-3. – С. 8-9.
5. Абдураимов Д. Э. Ў., Абдурахманов О. Н. ОБЪЕКТ АЛОМАТ ВАЗНЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ОРҚАЛИ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШ МОДЕЛИ //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 21-25.

6. Абдураимов Д. Э. Ў., Норматова М. Н., Монасипова Р. Ф. ЛИБМАН ТИПИДАГИ ИТЕРАЦИН УСУЛНИ ЭЛАСТИКЛИК НАЗАРИЯСИ МАСАЛАСИГА ҚЎЛЛАШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 15-20.
7. Абдураимов Д. Э. Ў., Адилов А. Н., Турдиев А. П. Ў. АНИЗОТРОП ВА ИЗОТРОП ЖИСМЛАР УЧУН ТЕРМОЭЛАСТИК БОҒЛИҚ МАСАЛАНИНГ ИККИ ЎЛЧОВЛИ ҲОЛАТДАГИ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 449-453.